

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ МАЪМУРИЙ-ХУҚУҚИЙ
ИСЛОҲОТЛАР ИНСОН КАДРИ УЧУН****Ахмедова Сорахон Толипжановна**

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси

маъмурий ҳуқуқ кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7541189>

Бугун ҳаётимизи барча жабхаларида кенг қўламли изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш бўйича, уларнинг қўйи бўғинларини аҳолига янада яқинлаштирган ҳолда мустақамлаш ва барча даражадаги тузилмаларнинг вазибалари ва функцияларини аниқ белгилаш, замонавий хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда куч ва воситаларни оқилона бошқариш, оқилона тақсимлашга қаратилган кенг қамровли маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Буларнинг заминидан эса Инсон ҳуқуқи, Инсон манфаати ва Инсон қадрини ётибди.

Шунингдек амалга оширилган чора-тадбирлар ички ишлар органлари ролинини оширишга, уларни ҳар бир ходим томонидан ўз хизмат бурчи — «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»ни сўзсиз бажарадиган ижтимоий йўналтирилган профессионал тузилмага айлантиришга йўналтирилганлиги яққол кўзга ташланиб турибди.

Ички ишлар органлари тизимида кечаётган маъмурий-ҳуқуқий ислоҳотлар тўғрисида гапирадиган бўлсак Янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари тузилма сифатида борган сари янгилашиб бормоқдалиги, фаолияти эса такомиллашиб бормоқдалиги ҳақида айтиш мақсадга мувофиқ.

Кун сайин Ички ишлар органлари инсон ҳуқуқи ва инсон манфаатларига, инсон қадрини учун хизмат қиладиган тузилмага айланмоқда десам хато бўлмайди.

Ўткан қисқа вақт мобайнида айнан бизнинг соҳамизга таллуқли ички ишлар органлари тизими ва фаолиятини тубдан ўзгаришига қаратилган бир қатор маъмурий-ҳуқуқий қонунлар ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тўғрисидаги қонун;

2. “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муружаатлари тўғрисида”ги.

3. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида қонуни

4. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги;

5. “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги қонуни;

6. “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”ги

7. “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги ва бошқа қонунларни келтиришимиз мумкин.

Айнан ички ишлар органлари фаолиятига таллуқли Президетимиз томонидан қабул қилинган фармон ва қарорлари хусусан, 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон фармони; 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори; 2021 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5076-сон қарори ва бошқаларни барчасининг асосий мазмуни Инсон ҳуқуқи ва манфаатини таъминлашга қаратилганлиги яққол кўзга ташланади.

Шу ўткан қисқа вақт ичида ички ишлар органлари фаолиятига таллуқли 13 та қонун, Президентимизнинг 9та фармони, 40 қарори ва 3 та фармойиши, Вазирлар Маҳкамасининг 115 та қарори ҳамда 160 дан зиёд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди, шу боис тизим фаолиятидаги катта ижобий бурилишларни гувоҳи бўлиб келяпмиз.

Яъни, Ички ишлар органларининг бошқарув тизими тўлиқ мақбуллаштирилиб, 85 фоиз (илгари 54 %) шахсий таркиб бевосита аҳоли учун қулай жойларда хизмат қилиниши таъминланди.¹

Қабул қилинган ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки ҳар бир қабул қилинган меъёрий ҳужжатда қонун бўладими, Президент қарори ва бошқа маъмурий ҳуқуқий ҳужжат бўладими уларнинг асосий негизида асосий мазмунида Инсон ҳуқуқлари инсон манфаатлари ва Инсон кадрига йўналтирилганини кўриб турибмиз.

Юқоридагилар асосида ички ишлар органлари тизимида амалга оширилган маъмурий-ҳуқуқий ислотлар натижасида:

Биринчидан, тизимдаги барча соҳавий хизматлар қайтадан ислоҳ этилди, Ички ишлар вазирлигининг соҳавий хизматлари эса йўналишлари бўйича бирлаштирилиб Департаментлар ташкил этилди.

Иккинчидан, Маҳаллаларда жиноят оқибатлари билан курашиш эмас, балки, уни барвақт олдини олишга ўтилди. Ҳар бир маҳаллага бир нафардан профилактика инспектори ажратилиб, Профилактика инспекторининг мавкеи оширилди -маҳалла раиснинг ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича ўринбосари этиб белгиланди.

Учинчидан, маъмурий-ҳуқуқий меъёрий ҳужжатлар асосида маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ишларини кучайтириш мақсадида ички ишлар органларининг қуйи бўғинлари мустаҳкамланди: вазирлик ва ҳудудий бошқармаларини мавжуд штат бирликларининг 85 фоизи қисқартирилиб, қуйи тизим ички ишлар бўлимларига қайта тақсимланди. 30та туман-шаҳарда ҳудудий ички ишлар органларининг 160 ички ишлар бўлим (бўлинма)лари ташкил этилди.

¹ <https://iiv.uz/oz/news/ichki-ishlar-organlari-tizimida-amalga-oshirilgan-islohotlar>

Шу билан бирга бир қатор хизматлар эса янгидан ташкил этилди: хусусан, хавфсиз туризмни таъминлаш, пробация, суриштирув ва кибержиноятчиликка қарши курашишга ихтисослашган бўлинмалар.

Тўртинчидан: энг асосийсиси ҳар бир раҳбар ва ҳар бир ходимнинг амалга оширилаётган жиноятчиликка қарши курашишга бўлган қараши мазмун жихатдан катта бурилиш берди. Уларнинг кундалик хизмат фаолияти энди рақам ва фоизлар орқасидан қувиш эмас, ваҳолангки фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг манфаатларини таъминлаш ва улар қадрини улуғлаш биринчи навбатдаги вазифага айланди.

Бешинчидан, маҳаллаларда жиноят оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтилди. Бунга эришиш учун ҳар бир маҳаллага бир нафардан профилактика инспектори ажратилган. Профилактика инспектори маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш бўйича ўринбосари этиб белгиланган. Уларнинг фаолияти аҳолининг кунлик муаммоларини ҳал этишга йўналтирилди². Ушбу ислохотлар натижасида ички ишлар органларининг обрўсиям уни ҳуқуқий ҳолати ва аҳоли билан ҳамда кенг жамоатчилик, айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлиги сезиларли кучайди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, тизимдаги ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2017 йилнинг 29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларида кадрлар билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ички ишлар органларида хизматни ташкил этиш механизмлари ягона тизимга жамланишига асос бўлди.

Ана шу маъмурий-ҳуқуқий ҳужжатнинг ижросини таъминлаш мақсадида ички ишлар органларининг барча даражалардаги раҳбарлари олдига ишбилармонлик ва касбий ҳислатларга эга кадрлар танланишига эътибор бериш юклатилди, уларнинг мақсадли жойлаштирилиши ҳамда ўз хизмат бурчини сўзсиз бажариши учун шахсий жавобгарлигини ошириш чоралари белгиланди.

Кадрлар захирасини, биринчи навбатда, истиқболли бошқарув таркибини шакллантиришга, шунингдек, бўш лавозимларни ўз соҳасини яхши биладиган ҳамда юклатиладиган вазифа ва функцияларини тезкорлик билан юритадиган кадрларни жамлашга алоҳида аҳамият бериладиган бўлди.

Олтинчидан жиноятларни яширмасликка ва криминоген вазиятни холисона таҳлил қилишга катта имкон яратилди, чунки жиноятларни яширмаслик мақсадида, янгича талаб қўйилди: ходимлар ташаббуси билан аниқланадиган жиноятлар ижобий натижа сифатида баҳолаш тизимига ўтилди.

Еттинчидан, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг 4 август куни бўлиб ўтган 29-ялпи мажлисида «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ва «Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниб унинг асосида эндиликда қонун билан Қорақалпоғистон ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари, вилоятлар ички ишлар бошқармаларининг

² Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг “фуқаробай” ишлаш методикаси (Бухоро шаҳар “Пиридастгир” маҳалласи мисолида): Ўқув-амалий қўлланма /Зиёдуллаев М.З., Худойбердиев А.А. ва бошқалар. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. –б.4

бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ҳар чорақда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига ҳисобот берилиши киритилган.

Бундан ташқари, туман, шаҳар ички ишлар бўлинмаларининг бошлиқлари — ҳар чорақда, уларнинг ўринбосарлари — ҳар ойда, маҳалла ҳуқуқ-тартибот пунктларининг профилактика катта инспекторлари — ҳар олти ойда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳисоб береришлари қонунда белгилангани катта ижобий бурилишга сабабдир. Мазкур қонун билан «ички ишлар органлари фаолиятининг очиқлиги, шунингдек уларнинг фаолиятини халқ вакиллари томонидан назорат қилиб бориш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди, қолаверса, ички ишлар органларининг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини оширишга ва уларнинг ўзаро фойдали ҳамкорлигини кенгайтиришга, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлиги соҳасида кўрилаётган чоралар самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар жараёни Ички ишлар вазирлиги таркибидаги таълим муассасаларини ҳам ўз ичига қамраб олган, мисол учун Президентимизнинг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори сифат жиҳатидан мутлақо янги тизим яратилишига асос бўлди.

Ҳозирги кунда ички ишлар органларида хизмат қилаётган ходимларнинг 51,2 фоизи олий маълумотга эга бўлиб, шуларнинг 14,9 фоизи юридик маълумотли мутахассислардан иборат. Шахсий таркибнинг 49,8 фоизи ўрта-махсус маълумотга эга, ходимларнинг деярли ярмини ёшлар ташкил этади³.

Ушбу маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар натижасида бугунги кунда ички ишлар органлари тизимида кадрлар тайёрлашнинг ноёб тизими яратилган. Шу асосда кадрлар фундаментини- шакллантириш мақсадида 14 та идоровий академик лицей, «Темурбеклар мактаби» ва ихтисослашган мактаб-интернат фаолияти йўлга қўйилган. Вазирлик Академиясида (4тадан) 8 та йўналиш бўйича кундузги ва сиртқи шаклда ўқиш амалга ошириляпти. ИИВ Малака ошириш институти фаолият кўрсатиб турибди.⁴

Шулар билан бирга Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан «Ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси» тасдиқланган.

Ушбу концепцияда ички ишлар органларида маънавий-маърифий ишларни самарали ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш, ходимларнинг маънавий салоҳияти ва мафкуравий иммунитетини кучайтириш, уларнинг онгида Ватан тақдири ҳамда келажаги учун дахлдорлик туйғусини янада мустаҳкамлаш каби улуғ мақсадлар ўз аксини топган. Буларнинг барчаси Инсон қадри учун қилинаётган ишлар албатта.

³ Интервью Министра внутренних дел Республики Узбекистан генерал-лейтенанта Пулата Бабажанова газете “Правда востока”Ички ишлар органларини халқ манфаатларига хизмат қиладиган ижтимоий тузилмага айлантирилади” <https://yuz.uz/news/ichki-ishlar-organlarini-xalq-manfaatlariga-xizmat-qiladigan-ijtimoiy-tuzilmaga-aylantiriladi>.

⁴ Ислохотлар ички ишлар органлари фаолиятини янгилашга замин яратади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Азизбек Икрамов интервьюси. <https://iiv.uz/news/islohotlar-ichki-ishlar-organlari-faoliyatini-yangilashga-zamin-yaratadi>

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, фуқароларнинг тинчлиги ва мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳар қандай ҳуқуқбузарликка қарши курашиш соҳа ходимларидан жуда катта масъулият талаб этади. Ана шу масъулиятли вазифаларни мард, ватанпарвар, фидойи, бурчига садоқатли ва ҳалол ходимларгина бажара олади. Концепцияда ички ишлар органлари ходимларига қўйиладиган асосий талаблар қаторида муомала маданиятига риоя этиш, мурожаат қилган шахсни эътибор билан тинглаш, ҳолатга холисона, бурчига виждонан ёндашиш орқали шахсий намуна кўрсатишлари лозимлиги ҳам алоҳида белгиланган.

Ички ишлар органларида амалга оширилаётган барча маъмурий-ҳуқуқий ислохотлар фақат яхшиликка, Инсон қадрини чиннакам улуғлашга бағишланган ишлардир.

Шу билан бирга миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда гап кўп. Айниқса, ёш ходимларни она-Ватанга муҳаббат, касбга садоқат руҳида тарбиялаш, хизмат интизоми ва қонунийликни мустақамлаш билан чамбарчас боғлиқ, олдимизда қилинадиган ишлар хали жуда кўп.

Барча соҳалар сингари, ички ишлар органлари шахсий таркиб ўртасида ҳам маънавий-маърифий ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришимиз, ходимларнинг билим савиясини янада ошириш, юксак маънавиятли, ватанпарвар, ўз касбига садоқатли ва фидойи ходимларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишимизи кучайтиришимиз лозим.

Инсон қадрини улуғлаш тамоили билан олдимизга қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш тизимда хизмат қилаётган барча шахсий таркибнинг касбий билим савиясини оширишни талаб этади.

Шу боис назаримда Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш шарафли бурч эканлигини биз ўқитаётган курсант ва тингловчилар қалбига етқизишда биринчи новбатда улар кўплаб китоб ўқишлари зарур, иккинчиси буям жуда муҳим: улар мотивация олиши учун биз профессор-ўқитувчиларни, қолаверса олимларни шахсий намунамиз жуда катта ўрин эгаллайди.

Президентимиз ўтган йилги касб байрамимиз муносабати билан йўллаган табригида «Агар давлат таянадиган асосий устун Қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айтиш керакки «Мен Янги Ўзбекистоннинг ички ишлар органлари ходимлари – Ватанимизнинг асл ўғлонлари сифатида замонавий билимларни эгаллаган, маънавий ва маърифий дунёси бой, ҳар қандай хавф-хатарга қарши матонат билан курашишга тайёр халқимизнинг чин маънодаги ҳимоячилари эканлигини эълон қилганимизга қатъий ишонаман»-деб айтдилар.⁵

Бундай юксак баҳо барчамизни юртимизда осоишталикни таъминлаш ва қонун устуворлигини таъминлаш йўлида янада самарали ва фидойилик билан хизмат қилишга ундайди ва барча ички ишлар органлари ходимларига катта масъулиятни юклайди. Айниқса биз профессор-ўқитувчилари ички ишлар органлари амалиёти учун етук кадрлар, малакали мутахассислар тайёрлашдек муҳим вазифаларимизи бажаришда ҳар биримиз ўз фаолиятимизи танқидий таҳлил этиб сидқидилдан ёндашишимиз зарур.

⁵ <https://iiv.uz/oz/news/ichki-ishlar-organlari-tashkil-etilganining-30-yilligi-bayram-tabrigi>